Tabani GROUP OF COMPANIES

Адаб, одоб ва одам

# ...АЙБДОРЛАР ЙЎҚ

МАШИНА ЯРИМ КЕЧАДА ДАРВОЗА олдига келиб тўхтади. Ундан бир аёл тушиб ичкарига кирди. «Жигули» эса ғизиллаганча кўздан йўқолди. Аёл тимирскиланиб ҳовлида нимадир қидирди. Сўнг ётоғига кириб чироқни ёқди. У сархуш эди, оғзидан винонингми, арақнингми ҳиди анқирди. Аммо ҳуши ўзида, гапи жойида эди. Чироқ ёниши билан хотинини кутиб уйқуси келмай ётган эр ўрнидан турди. Кўзлари ўйнаб турган хотинига кўзи тушди-ю ичи музлаб кетди. Гўё аёлнинг оғзидан келаётган ҳид оғунинг эмас, хиёнатнинг ҳиди бўлиб кўринди эрга.

— Шу пайтгача қаерларда санқиб юрибсан?— бақирди эр.

— Тўйга бордик,— деди аёл бепарво.

— Кимникига? Нега ичдинг? Сени ҳозир ким ташлаб кетди?— саволларни қалаштириб ташлади эр.

Хотин ўйга толди. Аниқ жавоб топа олмади. Ҳозир бирор нарса деб эрини тинчитгани билан эртага барибир ёлғони фош бўлишини, кейин оқибати ундан ҳам баттар ёмонлашишини биларди. Йиғлаб эрининг кўнглини эритмоқчи бўлди. Аммо бундан эрнинг қаҳри келди. Ҳозиргина машинада хотинини ташлаб кетган киши хотини ишлайдиган дўконнинг мудири эканлигини, улар қаердадир маишат қилиб келишганини унинг кўнгли аллақачон сезганди. Шунинг учун чидолмайди. Эркаклик шаъни топталгани, ҳақоратланганини чуқурроқ ҳис этган сайин, ўзини боса олмай қолди. Жаҳл устида хотинининг кўксига пичоқ санчди.

Эртаси куни бутун қишлоқ бу воқеадан хабар топди. Аёлни қабрга қўйдилар. Уч фарзанд етимга айланди. Эрни қамадилар. У етти йил озодликдан маҳрум бўлди.

Йигитнинг ота-онаси, қариндошлари суднинг ҳукмидан норизо бўлиб юқори ташкилотларга мурожаат қилдилар, аммо бу мурожаатлар оқибатсиз қолдирилди. Хуллас, жумҳуриятимизнинг чекка бир районида бўлган бу фожиа шундай якун топди. Ва энг ачинарлиси шундаки, жамоатчилик бўлаётган воқеаларнинг барчасини томошабин сифатида кузатди. Гўё шу оила бошига тушган фожиа эртага унинг ҳам бошига тушмаслигига кафолат бордек. Аммо бундай кафолатни ҳеч ким бера олмайди.

Энди ўйлаб кўрайлик. Хўш, бу фожиа қандай келиб чиқди? Унинг бош сабабчиси ким? Шу ерда бир нарсага яхшироқ эътибор беринг, гуноҳкори эмас, сабабчиси. Албатта, дўкон мудири. Аммо ҳозирги биз амал қилаётган қонунга биноан уни айбдор дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки сотувчи аёл билан ораларида нимаики бўлган бўлса, иккисининг розилиги билан содир этилган. Шундай экан, уни гуноҳкор дейиш мутлақо мумкин эмас. Майли, қонун уни ҳимоя қилсин. Аммо жамоатчилик нега жим? Наҳотки уни қишлоқда муҳокама қилиш, тартибга чақириш мумкин эмас? Ҳаром пул қутиртирган бундайлар эртага яна бошқа бировнинг оиласини бузиши, бундан ҳам каттароқ фожиаларга сабабчи бўлиши мумкин-ку. Мен бу билан халқ ўзича суд қилсин, демоқчи эмасман, худо сақласин, балки фақат одамларнинг сал фаолроқ бўлишини истайман. Халқ кўп нарсага қодир эканлигига ишонаман.

КОМСОМОЛОБОД РАЙОНИ Марказий Фарғона чўлларининг марказида жойлашган. Бу ерда яшаб меҳнат қилаётганларнинг деярли кўпчилиги турли вилоят ва районлардан келган. М. Отажонова ҳам чўлни ўзлаштиришга келганлардан бири эди. Аммо омади юришмади. Эри ўғирлик туфайли қамалиб кетгач, ёмон йўлга кирди. Уйини фоҳишахонага айлантирди.

— Ҳар куни уйимиз атрофини машиналар босиб кетарди,— дейди қўшнилари.— Болаларни кўчага чиқаргани қўрқардик. Мелисага мурожаат қилсак, уларни жиноят устида қўлга туширмагунимизча жавобгарликка торта олмаймиз, қонун шунақа дейишди.

Отажонова ҳар куни турли жойлардан тўрт-бешта фоҳиша аёлларни уйига тўплаб, одамларга қўшиш билан шуғулланган. Қўшнилари тили билан айтсак, «Кооператив фоҳишахона» очган. Энг ачинарлиси шундаки, бу «кооператив» мижозлари ичида обрў-эътиборли кишилар ҳам бўлган.

Ғарбда фоҳишахоналар борлигини биламиз. Бу уларга фавқулодда бир ҳодиса бўлиб туюлмайди. Фоҳишалик айб саналмайдиган жойлар ҳам йўқ эмас. Аммо бизга нима бўлаяпти? Ҳаёси ва ибоси билан дунёни мафтун этган шарқликлар нега ўзлигини йўқотиб бораяпти? Наҳотки бу инқирознинг бошланиши бўлса? Ёки иқтисодий қийинчиликлар шу кўйга солдими бизни? Шу саволларга жавоб излайсану ўйга толасан. Яна ўз-ўзидан юқоридаги савол такрорланади. Жамоатчилик қаерга қараяпти? Нега одамлар бунчалик бефарқ?

Комсомолободликларга раҳмат. Улар бу воқеага лоқайд қарамадилар. Отажонованинг қўшнилари милицияни оёққа турғазишга, керак бўлса ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса ҳам ўзлари бу шармандалик ҳолни олдини олишга муваффақ бўлдилар. М. Отажонова райондан чиқариб юборилди. Шу билан «кооператив» фаолиятига чек қўйилди.

ЯНА БИР ВОҚЕА: А. асли андижонлик. 1983 йилда Мирзачўлни ўзлаштиргани чўлга отланади. Келиб Оқ олтин районидаги «Фарғона» давлат хўжалигига ишга жойлашади. Бу ерда М. исмли қиз билан танишади. Хуллас, иккови турмуш қуришга аҳду паймон қиладилар. Аммо А. уйланган, турмуш ўртоғи Андижоннинг Балиқчи районида истиқомат қилувчи ота-онаси билан яшарди. «Севги» ҳар нарсадан устун келади. У биринчи хотини билан ажрашади. Кейин тўй, бахтли кунлар бошланади. Оилада гўдак йиғиси эшитилганда улар яна ҳам бахтиёр сезадилар ўзларини. Сўнгра яна фарзанд туғилади. Аммо ўша пайтга келиб А.нинг ишлари юришмай қолади. Шунинг учун Андижонга, Комсомолобод районига қайтади. У ерда сув хўжалиги идорасида ишлай бошлайди. Кейинроқ эса уй топиб оиласини ҳам кўчириб келади. Буни қарангки, улар биз юқорида тилга олган «Кооператив фоҳишахона» жойлашган уйнинг хонадонларидан бирида яшай бошлайдилар. Шу уйнинг бошқа бир хонадонида С. исмли аёл ҳам яшарди. У ҳам ўзига тинч эди. Турмуш ўртоғи ва икки фарзанди билан тотув истиқомат қилардилар. А.лар кўчиб келгач, бу икки оила жуда яқин бўлиб қоладилар. Тез-тез бир-бирининг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришади. Аммо бу тотувлик узоққа чўзилмайди.

«Кейинги пайтларда эримнинг юриш-туриши ўзгариб қолди. Уйимизга мен йўқ пайтларда ҳам С. келаверарди. Бир куни бир аёл уйга телефон қилиб С. эримнинг бошини айлантириб юрганини, олдини олмасам оқибати ёмон бўлишини айтди. Эътибор берсам, ўша аёлнинг гапи рост экан. Бир куни Сирдарёдан кечаси қайтдим. Уйга келсам С. ўтирибди...» (М.нинг муҳаррирриятга мактубидан).

«Биринчи хотиним билан фарзандимиз турмагани учун ажралганман. Кейин М.ни учратдим. Тўй қилиб, Андижонга олиб келдим. Аммо ота-онам билан яшашни хоҳламади. Сирдарёга қайтиб кетдик. Уларнинг оиласида куёвни ўз измига бўйсиндириб олиш одати бор экан. Аммо мен уларнинг измига тушмадим. Шунинг учун оиламизда кўп жанжал бўларди. Хотиним бўлар-бўлмасга рашк қилаверарди. Комсомолободга келганимиздан сўнг ҳам жанжалимиз давом этди. Бир неча марта Сирдарёга кетиб қолди. Олиб келгани борганимда қариндошлари миниб борган машинамизнинг балонларини тешиб ташлади. Хуллас, сабр косам тўлган. Чидамнинг ҳам чегараси бор...» (А.нинг тушунтириш хатидан).

«Соҳамиз бир бўлгани учун А.нинг олдига кириб турардим. Ҳисобот пайтларида унга ёрдам ҳам берардим. Лекин хотини туҳмат қилиб менинг оиламни бузди, икки боламни етим қилди. Агар А. билан алоқада бўлсам, М. кетиб қолганда олиб келгани эрим билан Сирдарёга борармидик. М. менинг оиламни бузди. Шунинг учун унинг эри А.га турмушга чиқдим...» (С.нинг тушунтириш хатидан).

Уч инсон, бир-бирига зид уч хил фикр. Мен буларнинг бири тўғри, иккинчиси нотўғри демоқчи эмасман. Балки ҳаммасининг ҳам заминида оз бўлса-да ҳақиқат бордир. Аммо бир нарсани яхши биламан. Икки оила бузилди. Тўрт гўдак етим қолди, тирик етимга айланди. Суд ҳали А. ва М.нинг никоҳини бекор қилгани йўқ, аммо А. ва С. бирга яшаяпти.

— Мен ажрашмоқчи эмасман,— дейди М.— Эрим бир кун барибир қайтади.

— Ҳеч қачон қайтмайман,— дейди А.— Мен С. билан яшайман. Қарорим шу.

Оила расмий равишда ажралмагану аммо мулк жанжали бошланиб кетган.

— Мени уриб жароҳат етказган,— дейди М.— Анча пайт касалхонада ётдим. Лекин ҳеч ким дардимни эшитишни хоҳламайди. Яшашим учун шароит йўқ. Уйдаги барча юкларни эрим уйига олиб кетиб қолган. Шунинг учун Сирдарёда, отамникида яшашга мажбур бўлаяпман.

А.нинг гапига қараганда юкларнинг асосий қисмини М. олиб кетган. Қўшниларнинг айтишича эса, ҳар иккови ҳам юк олиб кетган.

Бу оилавий жанжалга ҳакамлик қилмоқчи эмасмиз. Аммо қўшнилар билан гаплашганимда, М.нинг одобли, ишчан аёл эканлигини айтишди. Сўнгра эса йиғилиш қилиб С. ва А.ни бу ердан кўчириб юборишини сўраб юқори ташкилотларга мурожаат қилажакларини билдирдилар. Балки қўшниларнинг бу ишлари ноқонунийдир. Аммо уларнинг бировлар ҳаётига бефарқ эмаслиги, жонкуярликлари менга маъқул бўлди.

Бу оилани келажакда нима кутаётганини айтиш қийин. Яқинда суд бўлиб, уларнинг ярашишлари учун олти ой муҳлат берилибди. Балки шу муддат ичида А. ҳам М. ҳам инсофга келиб, оилани тиклашар. Ҳар қалай шундай бўлса яхши бўларди. Мен шуни жуда-жуда истар эдим. Шунда мулк учун бўлаётган майда жанжаллар ҳам барҳам топиб кетган бўларди.

Яхши эслайман, яқин-яқингача ҳар бир киши халқнинг қарғишидан қўрқарди, одамлардан ажралиб қолишдан чўчирди. Шунинг учун ҳар бир қадамини ўйлаб босарди. Инсоннинг шахсий ҳаётига аралашиш одобдан эмас. Бунга ҳақимиз ҳам йўқ. Аммо бу турмуш тўзғиб, атрофни ҳам ўз ахлоқий тутуриқсизлигига торта бошласа, энди бунга бефарқ қараб бўлмайди. Қўшниникида бўлаётган фожиага инсоний бурчимиздан келиб чиқиб муносабатда бўламиз.

Сўнгги пайтларда газета ва журналларда биз йўқотган қадриятларимизни топа бошладик деб ёзиш модага айланиб қолди. Бу гапда жон бор, албатта. Биз топталган тарихимизни тиклай бошладик, унутилиб кетаётган урф-одатларимизни қайта тиклашга киришдик. Аммо ҳали ўзлигимизни англаб етолганимиз йўқ. Ёшларимизнинг тарбияси билан ҳам шуғулланмаяпмиз. Тарбияда жамоатчиликнинг роли камайиб кетаяпти. Тарихий турмушимизда ўғрилар, бузуқлар кам бўлган. Ҳозир-чи? Автобусларга чиқиб бўлмайди. Ёш-ёш болалар киссавурлик қилади. Пул учун ҳар қандай пасткашликка тайёр одамлар кўп. Демак, биз ҳали қадриятларимизни тўла топа олмабмиз. Бунинг учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Мен юқорида учта воқеани келтирдим. Илк уларнинг бир-бирига алоқаси йўқдек. Аслида эса уларни бир нарса боғлаб туради. Бу уч воқеада ҳам жиноят ахлоқсизлик бору, айбдорлар йўқ. Биринчи воқеада дўкон мудири фожианинг бош сабабчиси, лекин уни жавобгар қилиш мумкин эмас. Иккинчи воқеада М. Отажонова айбдор, аммо унинг устидан жиноий иш қўзғаш учун далилий ашё керак. Учинчи воқеада эса тўрт гўдак етим бўлиб қолаяпти, аммо бironта жавобгар йўқ.

ТЎҒРИ, ҚОНУНЛАРИМИЗ НОМУКАММАЛ. Бундан ташқари жамият аро муомала, муносабатларимиз ҳам юксак ахлоқий принциплардан жуда йироқ. Бир адиб айтгандай, «тарбиясиз тарбия» кўрганларданмиз. Шунинг учун маҳалланинг, жамоатчиликнинг кучи бўшга кетяпти. Қишлоқ оқсоқоллари, маҳалла қўмиталари раислари, фаоллари ахлоқий сандироқлашларга, дайдиликка, турли шаклдаги бемазагарчиликларга дарҳол муносабат билдирсалар, бетайинларни тергаш, тартибга чақириш, тирик етим бўлишга чек қўйиш мумкин бўларди. Оила жамиятнинг бош бўғини. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйган жамият ва давлатнинг путури кетади. Жиноятлар, хиёнатлар, ҳақоратлар камайиши ўрнига ортиб боради. Ахир бунга йўл қўйиб бўладими?

**Бек БОБОЕР**

## БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ ЁЗИЛДИК

Биз истиқомат қилаётган қўриқ Нишон райони меҳнат аҳли ҳам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» мустақил ҳафталигини ҳамиша севиб ўқийди. Бизлар, айниқса, халқимиз тарихи ва маданияти, маънавий меросига доир чиқишлар, йўқолиб кетаётган энг яхши удумларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналарни тиклашга доир қизиқарли мақолаларни катта қониқиш билан мутолаа қиламиз. Айни пайтда газета саҳифаларида республикамиз ҳудудида содир бўлаётган нохуш жиноятлар, қонунбузарликлар ҳақида ҳам муҳим муаммоли мақолалар бериб борилаётганлиги, улар адолат ва ҳақиқат юзасидан юксак савияда таҳлил этилаётганлигидан мамнунмиз. Шунинг учун ҳам бундай чиқишларни сабрсизлик билан кутамиз.

Ҳафталикнинг ўткир муаммоли чиқишлари, халқимизни мустақилликка, миллий ва маънавий ўзлигини англашга тайёрлаш юзасидан изчил амалга ошираётган хизматларига катта баҳо бераётган туманимиз ҳуқуқ идораларининг жамоалари мазкур ҳафталикка биринчилардан бўлиб обуна бўлдилар. Биз истардикки, севимли ҳафталигимиз меҳнат жамоаси ҳозирги иқтисодий қийин шарт-шароитларда ҳам ҳормай-толмай ишлаб, ўзларининг халқимизга манзур бўлган ижодий йўлини давом эттирсалар. Ҳафталик саҳифаларида ҳуқуқбузарликлар, енгил-елпи ҳаётга ўрганиб қолганлар, мустақил ва эркин меҳнат қилишга кўника олмаётган ёшларимизнинг маънавиятига доир мақолалар янада кўпроқ ёритилса айни муддао бўларди.

Халқимиз орасида текин бойлик орттиришга ҳаракат қилаётган, инсофни унутиб, жиноят кўчасига бурилиб кетаётган ёшлар ҳам оз эмас. Афсус билан қайд этиш лозимки, сўнгги пайтда улар томонидан содир этилаётган жиноятлар миқдори анча-мунча кўпайиб қолди. Биз ҳафталик саҳифаларида халқимизнинг обрў-эътиборига зид иллатларни фош этувчи, маънавий комиллик ва эзгуликка чорловчи чиқишлар тез-тез бўлади деган умиддамиз. Ана шу истакларимиз эътиборга олинса, бу севимли ҳафталигимизга, унинг меҳнатсевар жамоасига олқиш ва савоб олиб келган бўларди.

Ҳурмат билан мухлисларингиз:

**Мусо ШАРИПОВ,**
**Нишон тумани прокурори, биринчи даражали ҳуқуқшунос**
**Баҳодир МАҲМАТҚУЛОВ,**
**Нишон тумани халқ суди раиси**



## ҲАМКОРЛИК НАТИЖАСИ

**Ҳурматли бош муҳаррир!**

Севимли ҳафталигимиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни қарийб 1957 йилдан бери ўқиб келаман. Ҳафталик бу давр ичида нене қалам аҳлларини элга танитмади дейсиз! Бу борада у ўзига хос мактаб яратди. Бугун ҳам унинг сиёсий, маърифий хизмати беқиёсдир.

Ҳафталик келаси 1993 йил учун обунани 180 сўм этиб тайинлади. Бу йўлда тарғибот, чунончи, лотерея ўйинини ўтказиш ишини анъанага айлантирди. Бу яхши.

Маълумки, ана шу саъй-ҳаракатларнинг туб мақсади обуначиларни кўпайтиришга, рўзноманинг моддий заминини мустаҳкамлашга, ҳурматини янада оширишга қаратилган. Буни яна бир йўли борки, у ҳам бўлса, ҳафталикка иштиёқи баланд кишиларнинг ижодини, хизматини, истак-хоҳишини изчил, кенгроқ ёритиб боришдир. Масалан, мен ишлаб турган биргина мактабда 60 нафарга яқин ўқитувчи, тарбиячи ишлайди. Аммо ҳафталикка ёзилиш ўтган йилдагидан камроқ эканини очиқ айтиш керак, сабаби, обуна нархининг қимматлигидир.

Агар ҳар бир мактаб, муассаса, ташкилотда ҳафталикнинг жонкуяр вакили бўлса, уларга суяниб, алоқа мустаҳкамланса, обуначилар янада ортар эди.

Мен ишлайдиган мактабда ушбу ҳафталикка обуначиларни кўпайтиришга киришдим. Матбуотлар ичида кенг қамровли бўлган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га ихлосимиз жуда баланд. Шу боис келаси йил учун обуна ҳаракатини бошладик. Мактабимизнинг ўқитувчи, тарбиячилари келаси йилда ҳам унинг муштарийси бўлиб қоладилар.

**Солижон САЛОҲИДДИНОВ**

**Норин туманидаги 25-ўрта мактаб**


қирқиш чизиғи

«ЎзАС» муштарийларининг ютуқли лотореяси

Исмингиз ва фамилиянгиз ____________

Касбингиз ва ёшингиз ____________

Турар жойингиз ____________

Ҳафталигимизни қачондан бери ўқийсиз? ____________

1993 йил учун қачон ва қаерда обуна бўлдингиз? ____________

Обунани расмийлаштирган алоқа бўлимининг рақами, пул тўланганлигини қайд этган касса аппаратининг номери (обуна квитанциясидан кўчириб ёзинг) ____________

ОБУНА—93

Сизни омад кутади, муштарий!

Ҳурматли газетхонларимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, ютуқли лоторея ўйинини давом эттиришга қарор қилдик.

Лоторея ўйинида газетамизга 1993 йил учун обуна бўлган муштарийлар иштирок этишлари мумкин. Муштарийлар лотореясида жами

100 минг сўмлик

қимматбаҳо ютуқлар ўйналади.

Омадингиз келса йил давомида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни мунтазам ўқийсиз ҳамда қимматбаҳо ютуққа эга бўласиз.

Ўйинда қатнашиш учун энг аввало ўзингизга қулай алоқа бўлимида обунани расмийлаштириш лозим. Шундан кейин эълон қилинаётган лоторея билетининг саволларига жавоб қайтарасиз ва уни редакциямизга жўнатиб юборасиз. Исмингиз, фамилиянгиз, турар-жойингиз, обуна расмийлаштирилган алоқа бўлимининг рақами, вақти аниқ кўрсатилиши керак.

Газетамиз ҳомийлари, бир неча жамоатчилик ташкилотлари, жамғармалар, биржалар ҳам омадлилар учун ўз совринларини эълон қилишган.

Обуна мавсумини ўтказишда фаол иштирок этган ташкилотчиларга ҳам алоҳида мукофотлар берилади.

100
500
1000

кишини газетамизга обуна қилдирган кишилар муҳарририятимизнинг махсус совринларига эга бўладилар.

Обуна баҳоси: бир йилга 180 сўм, олти ойга 90 сўм.


Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 64593 (кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. | жойи

64593

(нашр кўрсаткичи)

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"

(нашр номи)

| обуна | баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| янги манзилга юбориш | баҳоси | сўм | |

1993 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)


МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир ўринбосари: Иброҳим ҒАФУРОВ

Таҳрир ҳайъати: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЁҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Муталлиб СОДИҚОВ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.10
210 минг 723 нусхада чоп этилди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64593. Буюртма № Г-402) 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12